



ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА БИЛАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аллаяров Нурманбет Уразимбетович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Автомобиль
тайёргарлик кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Аллаяров Шохнурбек Нурманбетович

Тошкент Кимё технологиялари институти 5-босқич талабаси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8166508>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2023

Accepted: 15th July 2023

Online: 19th July 2023

KEY WORDS

ABSTRACT

Аксарият ривожланган мамлакатлар муаммони қатъий ҳуқуқий тартибга солиш йўли орқали ҳал қилишга ҳаракат қилмоқда. Бир қатор Европа давлатларида миллий дастурлар парламентлар томонидан қабул қилинади ёки парламент маъқуллагандан сўнг дастур мамлакат президенти томонидан имзоланади. Аксарият мамлакатларда дастурлар ҳукумат қарори билан чиқарилади ёки тегишли вазирликлар томонидан тасдиқланади ва қонун чиқарувчи орган томонидан тасдиқланади. Энг ёрқин мисол сифатида **Швецияни** кўрсатиш мумкин, у ерда автомобиль транспорти тизимини ривожлантириш миллий режасида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича бўлимлар ҳам назарда тутилган. Мамлакатда ушбу соҳанинг барча субъектлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва унинг бажарилишини назорат қилувчи “Йўл ҳаракати хавфсизлигини мувофиқлаштириш миллий форуми” мавжуд. Хужжатнинг махсус бўлими йўллар ва кўча тармоқларини тартибга солиш ва ривожлантиришни назарда тутди. Миллий дастурларни молиялаштириш давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилиши эътиборга молик.

Финляндияда ҳозирда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича маслаҳат кўмитаси мавжуд. Унинг раҳбарлигида Транспорт ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги томонидан тасдиқланган йўл ҳаракати хавфсизлиги миллий дастури ишлаб чиқилган. Дастур 50 та йўналишни ўз ичига олади. Ҳар бир йўналишнинг ўз масъуллари мавжуд¹.

Нидерландияда бир қанча дастурлар амалга оширилмоқда. Улар орасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган *мобиллик режаси* алоҳида ажралиб туради. Ушбу хужжатнинг афзаллиги шундаки, у давлат ҳокимияти, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради.

Японияда Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича бош полиция бошқармаси билан биргаликда транспорт хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастур ва чора-тадбирларни

¹ Silla A., Peltola H. Traffic Safety 2025¹ consortium project aiming to enhance the traffic safety in Finland // Vision Zero for Sustainable Road Safety in the Baltic Sea Region // Электрон манба: <https://cris.vtt.fi/en/publications/traffic-safety-2025-consortium-project-aiming-to-enhance-the-traf> (мурожаат вақти: 19.10.2022).



ишлаб чиқувчи давлат комиссияси доимий равишда ишлайди. Ушбу комиссия томонидан яратилган дастурларда умумдавлат чора-тадбирлар комплекси мавжуд. Хорижий мамлакатларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи қонун ҳужжатларини ўрганиш шуни тасдиқлайдики, мавжуд иқтисодий муносабатлар ва сиёсий тузилмалардан қатъи назар, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш вазифаси давлат даражасида ҳал этилади. Аксарият мамлакатлар тегишли кодекслар ёки миллий дастурларни қабул қилганлар. Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий база муайян давлатда амалда бўлган конституциявий тамойилларга, шунингдек, аҳолининг урф-одатлари ва менталитетига, умумий ҳуқуқий маданиятига асосланади.

Ҳар бир давлат йўл ҳаракати шароитида аҳоли хавфсизлигини таъминлайдиган фундаментал ҳуқуқий ҳужжатларни яратишга интилади. Ижтимоий-иқтисодий шароитларни яхшилаш, аҳоли билан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, мониторинг, назорат ва таҳлил қилишнинг юқори технологиялари билан таъминланган дастурларга устувор аҳамият қаратилади. Турли мамлакатларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган **устувор йўналишлар** қуйидагилардир:

биринчидан, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш (*йўлларда хулқ-атвор маданиятини тарғиб этиш, ҳуқуқий онгни юксалтириш, ҳуқуқий нигилизмга қатъий чек қўйиш, йўлларда ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг хулқ-атворини назорат қилиш, мастликка қарши курашиш*). Ушбу тажрибага таянган ҳолда, мамлакатимиздаги мактабларда 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий бошланғич таълимнинг бошланғич дастурини йўлда хавфсиз хулқ-атвор бўйича махсус фанни ўрганишни тавсия қиламиз. Ўрта мактаб йилларида (12–16 ёш) вояга етмаганлар бир хил фан бўйича, лекин чуқур билимга эга бўлган иккинчи мажбурий таълим дастурини тамомлашлари ва иккита мажбурий назарий имтиҳонларни топширишлари керак, аввал 12 ёшда, кейин эса, 15 ёшида имтиҳон топшириш тавсия этилади. Ушбу назарий имтиҳонни муваффақиятли топширгандан сўнг, талаба мопедни бошқариш ҳуқуқини олади, уни махсус амалий машғулотлардан ва амалий имтиҳондан ўтгандан кейин амалга ошириш мумкин. Шундан кейингина йўловчи транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлиш эҳтимоли учун ҳайдовчилик мактабида ўқиш мумкин бўлади;

иккинчидан, автотранспорт воситаларини техник жиҳатдан такомиллаштириш (конструкцияларни, огоҳлантириш ускуналарини, хавфсизлик тизимларини такомиллаштириш);

учинчидан, хавфсиз йўл муҳитини яратиш (хавфсиз шаҳар тизимлари, ҳайдовчилик гувоҳномалари берилишини назорат қилиш, таълим сифатини ошириш ва ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш);

тўртинчидан, йўл-транспорт ҳодисаларида тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш;

бешинчидан, йўл ҳаракати жараёнида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг жавобгарлигини ошириш.

Юқоридагилардан хулоса шуки, ҳар бир давлат ўзининг йўл ҳаракати хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиши ва унга амал қилиши алоҳида аҳамият касб этади. Фикримизча, жарима балларини тўплаш тизимини жорий қилиш вақти келди. Зеро,



баллар тизимининг мақсади йўл ҳаракати соҳасида энг оғир маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган ёки бошқа ҳайдовчиларга қараганда тез-тез йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчиларни аниқлаш ва олдини олишдан иборат.

Шу билан бирга, турли саъй-ҳаракатларга қарамасдан, мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисалари ва қурбонлар сони кўплаб Европа мамлакатларига нисбатан анча юқори бўлиб қолмоқда. Шунинг учун, йўл-транспорт жароҳатларига қарши курашда уларнинг усул ва воситаларини ўрганиш ва мамлакатимизда уларнинг тўплаган тажрибасини қўллаш лозим. Бунда нафақат хорижий мамлакатлар қонунчилиги, балки улардаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш усулларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги сиёсати кўпроқ қурбонлар сонини камайтиришга қаратилган. *“Биринчи навбатда одамларни асраб қолиш”* фалсафаси оммалашиши зарур.

Шу аснода хорижий мамлакатларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалалари йўл ҳаракати қоидаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қоидабузарликлар учун жавобгарликни белгилаш, шунингдек, бу соҳага оид стандартларни қўллаш бўйича изланишлар орқали ҳал этилади.

Мамлакатлар ўртасида кўплаб фарқлар мавжуд, жумладан, маданий, қонунчилик талаблари, йўл тармоғи стандартлари, турли хил саёҳат режимларидан фойдаланиш ва ҳ.к. “Хорижий” ечимларни имплементация қилиш ва жорий этиш ушбу масалаларни синчиклаб кўриб чиққандан кейингина муваффақиятли бўлиши мумкин.

References:

1. Silla A., Peltola H. Traffic Safety 2025' consortium project aiming to enhance the traffic safety in Finland // Vision Zero for Sustainable Road Safety in the Baltic Sea Region // Электрон манба: <https://cris.vtt.fi/en/publications/traffic-safety-2025-consortium-project-aiming-to-enhance-the-traf> (мурожаат вақти: 19.10.2022).